Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

# Халқ сўзи

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган • WWW.XS.UZ • E-mail: info@xs.uz • 2018 йил 27 октябрь, № 223 (7181) Шанба

Сайтимизга ўтиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

# ТОШКЕНТ БАРЧА СОҲАЛАРДА НАМУНА БЎЛИШИ КЕРАК

Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёев 26 октябрь куни Тошкент шаҳри, Юнусобод туманига ташриф буюриб, бу ерда амалга оширилиши мўлжалланган лойиҳалар, истиқболдаги режалар билан танишди.



Тошкент шаҳрининг 2018-2019 йиллардаги инвестиция салоҳиятига оид маълумотларга кўра, икки йилда пойтахтимизда 417 та лойиҳани амалга ошириш ва бунинг натижасида 25 мингдан зиёд иш ўринларини яратиш режалаштирилган. Уларнинг 264 таси саноат, 153 таси хизмат кўрсатиш соҳасига тегишлидир. Жорий йилнинг 9 ойида жами лойиҳалар учун 257,5 миллион доллар ҳажмдаги тўғридан-тўғри хорижий инвестициялар ўзлаштирилган.

2019 йилда 1 миллиард доллардан зиёд хорижий инвестицияларни жалб қилиш ҳисобига 181 лойиҳани ҳаётга татбиқ этиш мўлжалланган. Жумладан, Юнусобод туманида 38 та инвестиция лойиҳаси амалга оширилади.

Давлатимиз раҳбари Тошкент шаҳрининг иқтисодий имкониятлари кенглиги, пойтахтимиз барча соҳада намуна бўлиши кераклигини таъкидлади. Лойиҳаларнинг кафолати, самаралари билан қизикди. Мутасаддиларга жалб этилаётган хорижий инвестициялар ҳажмини янада ошириш, янги корхоналар ташкил этиш ва солиқ тушумини кўпайтириш юзасидан кўрсатмалар берди.

Президентимиз Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқич қурилишини кўздан кечирди.

Тошкент шаҳрида аҳоли учун қулай шароит яратиш, сифатли транспорт хизматлари кўрсатиш қамровини кенгайтириш ва метрополитен хизматини янада ривожлантириш борасида кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Айни пайтда Тошкент метрополитени Юнусобод йўналишининг иккинчи босқичи қурилиши қизғин давом этмоқда.

Президентимиз Шавкат Мирзиёев жорий йил 9 февраль куни Юнусобод туманида бўлиб, метрополитен қурилиши билан танишган эди.

Давлатимиз раҳбари бу ерда бунёдкорлик ишларининг боришини кўздан кечирди, қурувчилар билан мулоқотда бўлди.

Тошкент метрополитени 40 йилдан кўпроқ тарихга эга. Метрополитен йўловчи ташишда қулайлик ва хавфсизлик нуқтаи назаридан энг самарали транспорт воситаси ҳисобланади.

Юнусобод йўналишида қурилаётган метро участкасининг узунлиги 2,9 километр бўлиб, 2019 йилда фойдаланишга топшириш мўлжалланган. "Туркистон" ва "Юнусобод" янги метро бекатларидан иборат.

Энг асосий масала пойтахтимиз кўчаларидаги тирбандликнинг олдини олиш. Бунда метро энг қулай воситадир, деди Шавкат Мирзиёев. Бунёдкорлик ишлари бундан кейин ҳам тизимли давом эттирилади.

Айни пайтда ушбу бекатлар ҳамда улар оралиғида туннель қазиш ишлари олиб борилмоқда.

Ушбу туннелни ёпиқ усулда қазиш учун Германиядан "Herrenknecht" компаниясининг механизациялашган мажмуаси келтирилди. Бу улкан техника май — сентябрь ойлари давомида йиғилди. Соҳа мутахассислари Германияда малака ошириб қайтди. "Кўприк қурилиш трести" унитар корхонаси томонидан туннель деворларини мустаҳкамловчи тюбинглар ишлаб чиқариш цехи ишга туширилди.

Мажмуа бир суткада 12 метр қазиш ва 8 та ҳалқа ўрнатиш имкониятига эга. Бугунги кунгача 350 та ҳалқага етарли конструкциялар захираси яратилган.

Президентимиз ушбу мажмуани кўздан кечирди. Мутасаддиларга метро бекатларининг кўриниши ва инфратузилмаси бўйича тавсиялар берди.

Транспорт коммуникацияларини қуришда шаҳарнинг келгуси ривожини ҳисобга олиш, ҳамма учун қулай бўлишини таъминлаш зарурлигини таъкидлади.

Давлатимиз раҳбари жойларга ташрифи чоғида ёш авлод тарбиясининг бирламчи ва муҳим бўғини сифатида мактабгача таълим тизимини юксалтириш, боғчаларнинг моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, уларни моҳир педагоглар билан таъминлаш, болаларни мактабга сифатли тайёрлаш масалаларига алоҳида эътибор қаратмоқда.

Мактабгача таълим тизимини такомиллаштириш борасида Юнусобод туманида ҳам кенг кўламли ишлар амалга оширилмоқда.

Боғишамол маҳалласида жойлашган "Севинч" номли 74-мактабгача таълим муассасаси болалар учун ҳақиқий орзулар масканига айланди. Муассаса жорий йилда тубдан таъмирланиб, Президентимиз ташрифи арафасида фойдаланишга топширилди.

275 ўринли муассаса инновацион технологиялар асосида жиҳозланган ва мамлакатимиздаги илк "ақлли боғча" ҳисобланади. Бу ерда болалар хавфсизлигини таъминлаш мақсадида назорат ускунаси, ҳар бир хонага домофон ўрнатилган. Ота-оналар фарзанди қайси гуруҳда бўлса, шу хонани боғловчи тугмани босгандан сўнг тарбиячи болани олиб чиқиб беради. Бинога кираверишда қўйилган таблодан боланинг ўз гуруҳига кирганини кўриш, гуруҳлардаги машғулотларни онлайн кузатиш мумкин.

Зина ва хоналарга ишланган рангли белгилар, тафаккурга ундовчи расмлар болаларни ранг билиш, санашга ўргатади. Йўл кўрсатувчи рангли чизиқлар орқали кичкинтойлар ўз гуруҳини қийналмасдан топиб боради.

Машғулот хоналарида "Илк қадам" дастури асосида ишлаб чиқилган мультимедиа тажриба-синов дастурига эга мониторлар ўрнатилган. Бу дастурдаги турли соҳаларга оид суратлар, интерфаол ўйинлар ёрдамида болаларнинг билим ва кўникмаси шакллантирилади.

Адлия вазирлиги буюртмаси асосида "Sotol systems" компаниясида ишлаб чиқилган ушбу дастур онлайн тарзда ишлайди. Уни ота-оналар ҳам мобиль телефонига юклаб олиб, уйда телевизор орқали фарзандларини шуғуллантириши мумкин.

Давлатимиз раҳбари боғчада яратилган шароитлар билан танишди, тарбиячилар билан мулоқот қилди.

Болаларимизнинг маънавияти, билими, соғлиғи биз учун энг муҳим масала. Шунинг учун давлат томонидан мактабгача таълимга катта эътибор берилляпти ва бу ҳали бошланиши. Сизларнинг вазифангиз болаларнинг кўзидаги нурни илғаб олиш, уларга яхши тарбия бериш, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбарига Тошкент шаҳридаги мактабгача таълим муассасаларининг ҳолати ва уларни ривожлантиришга оид лойиҳалар ҳақида маълумот берилди. Президентимиз бу борадаги таклифларни маъқуллаб, давлат-хусусий шериклик асосида янги боғчалар қуриш, болаларни қамраб олишни кенгайтириш ва келгусида юз фоизга етказиш зарурлигини таъкидлади.

Шу ерда Жанубий Кореянинг Пучон университети раҳбарлари билан видеоконференция орқали мулоқот қилинди.

Президентимиз боғча тарбияланувчиларига совғалар берди.

Шавкат Мирзиёев "Business city — "Юнусобод" замонавий ишбилармонлик маркази лойиҳаси билан танишди.

Пойтахтимиз улкан бунёдкорлик лойиҳалари эвазига кун сайин гўзал қиёфа касб этиб бормоқда. Янги-янги аҳоли массивлари, муҳташам кўприклар, ижтимоий соҳа объектлари ва бошқа иншоотлар шаҳарни нафақат архитектуравий жиҳатдан, балки яшаш ва дам олиш, бизнес юритиш шароитларига кўра қулай мегаполисга айлантирмоқда.

Узоққа бормайлик, шаҳарнинг қоқ марказида қад ростлаётган "Toshkent City" халқаро ишбилармонлик маркази қурилиш бобидаги тасаввурларимизни бутунлай ўзгартириб юборди. Бу ерда замонавий технологиялар ва меъморлик андозалари асосида тикланаётган осмонўпар иморатлар Тошкентга дунёнинг шаҳарсозлик соҳасидаги диққатга сазовор марказларидан бири мақомини олиш имконини беради.

Тараққиётнинг бугунги суръатлари, аҳолининг яхши яшашга бўлган эҳтиёжи, жаҳондаги ўзгаришлар кўламини ҳисобга олган ҳолда пойтахтимизда бир нечта замонавий ишбилармонлик марказлари қад ростламоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 2 августдаги Республика ҳудудларида "Business city" замонавий ишбилармонлик марказларини ташкил этиш чора-тадбирлари тўғрисидаги қарорига мувофиқ, Юнусобод туманининг Отчопар-2 маҳалласи ҳудудида қуриладиган "Business city — "Юнусобод" замонавий ишбилармонлик маркази уларнинг навбатдагиси бўлади.

Ушбу замонавий ишбилармонлик марказидан кўп қаватли тураржой мажмуалари, бизнес-офислар, савдо-кўнгилочар масканлар, меҳмонхоналардан иборат кўп тармоқли мажмуалар, сайилгоҳлар, ижтимоий объектлар, тиббий-соғломлаштириш марказлари ўрин олади.

Дастлабки ҳисоб-китобларга кўра, лойиҳанинг қиймати 500 миллион доллар бўлиб, 2019 — 2023 йилларда амалга оширилиши мўлжалланган.

Давлатимиз раҳбари янги ишбилармонлик маркази қурилишида рельефдан оқилона фойдаланиш, дунё шаҳарлари тажрибасини ўрганиш зарурлигини қайд этди. Уни барпо қилишга хорижий инвесторлар, тажрибали лойиҳачи ва қурувчиларни жалб этиш бўйича топшириқлар берди.

Шу ерда Юнусобод туманидаги кўп қаватли уйларни бошқариш бўйича таклифлар тақдимоти ўтказилди. У профессионал сервис компаниялари ташкил қилиш орқали кўп қаватли уйларга хизмат кўрсатишни яхшилаш, моддий-техника базасини мустаҳкамлаш, иқтисодий барқарорликни таъминлашга қаратилган.

Президентимиз туманда ушбу тизимни жорий мавсумдаёқ татбиқ этиш, ҳар бир кўп қаватли уйнинг эгасини топиб, уларга имтиёзлар бериш зарурлигини таъкидлади.

Инновацион, илмий ва ташкилий ишларни бирлаштириб, баравар олиб бормасак, бу соҳа эскича ҳолда қолаверади. Коммунал хизматлар хусусий корхоналар томонидан амалга оширилмаса, сифат бўлмайди. Сифат бўлмагандан кейин тўлов ҳам барқарор бўлмайди. Бу соҳада хизматни, ҳисоб-китобни жойига қўйсак, вазият ўзгаради, одамлар рози бўлади, деди Шавкат Мирзиёев.

Давлатимиз раҳбари "Амилов" қандолат маҳсулотлари фабрикаси фаолияти билан танишди.

Собиқ "Лок-бўёқ" заводи ўрнида ташкил этилган "Амилов" фабрикаси жорий йил 5 октябрда ишга туширилди. Корхона майдони 32 гектар бўлиб, қурилиш-монтаж ишлари, ишлаб чиқариш ускуналари учун қарийб 80 миллион доллар сарфланди. Германия, Швейцария, Дания, Италия, Австрия ва Голландиядан технологиялар келтириб ўрнатилди. Натижада 850 га яқин иш ўринлари яратилди.

Корхона йилига 50 минг тоннага яқин қандолат маҳсулотлари ишлаб чиқариш қувватига эга. Бугунги кунда бу ерда шоколад, конфет, печенье, вафли каби 60 турдаги маҳсулот тайёрланмоқда.

Бундай ширинликлар шу пайтгача, асосан, импорт қилинарди. "Амилов" фабрикасида тайёрланаётган қандолат маҳсулотлари чет элникига нисбатан арзон ва сифатли бўлгани боис ички бозорда тез харидорини топди. Натижада бундай маҳсулотлар импортини 40 фоиз қисқартиришга эришилди. Қолаверса, корхона йилига 10 миллион долларлик маҳсулот экспорт қилишни режалаштирган.

Давлатимиз раҳбари фабриканинг ишлаб чиқариш қувватини кенгайтириш, бундай корхоналарни кўпайтириб, рақобатни ривожлантириш, импорт бўлаётган бошқа маҳсулотларни ҳам маҳаллийлаштириш бўйича топшириқлар берди.

Президент Шавкат Мирзиёев "Ўзэкспомарказ"да Тошкент шаҳри ва Юнусобод тумани ҳокимлари, мутасаддилар ва секторлар раҳбарлари, маҳалла раислари иштирокида йиғилиш ўтказди.

Унда Юнусобод туманини иқтисодий ривожлантириш, маҳаллалардаги ижтимоий-маънавий муҳитни янада яхшилаш, аҳоли фаровонлигини оширишга қаратилган чора-тадбирлар белгилаб берилди.

2019 йилда саноат ва хизмат кўрсатиш соҳаларида амалга оширилиши мўлжалланган 38 та лойиҳанинг ҳар бири бўйича ташаббускорлар ва манбаларини аниқ кўрсатган ҳолда, "йўл харита"лари ишлаб чиқиш зарурлиги таъкидланди.

Хатловда аниқланган 332 та фойдаланилмаётган объект ва ер майдонларида янги ишлаб чиқаришлар ташкил этиш, бюджетга тушумларни кўпайтириш ҳамда аҳоли даромадларини ошириш бўйича кўрсатмалар берилди.

Ижтимоий долзарб масалаларни ҳал қилиш, уй-жой фондини ривожлантириш, коммунал хизматларни яхшилаш, объектларни куз-қиш мавсумига тайёрлаш борасидаги вазифалар белгилаб олинди.

**Матназар ЭЛМУРОДОВ,**
**Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,**
**Умар АСРОРОВ,**
**ЎзА мухбирлари.**

**Ўзбекистон Республикаси Президенти Матбуот хизмати сурати.**

## БИЗ ва ЖАҲОН

*Бугунги кунда Ўзбекистонда кечаётган сиёсий, ижтимоий ҳамда иқтисодий жараёнлар Хитой оммавий ахборот воситалари, экспертларининг ҳам қизиқиши ва эътиборига сабаб бўлмоқда.*

### Хитой оммавий ахборот воситалари:

# «ЎЗБЕКИСТОН – БАРЧА БИРДЕК ҲУРМАТ ҚИЛАДИГАН ВА ҲАМКОРЛИК ЎРНАТИШГА ИНТИЛАДИГАН МАМЛАКАТ»

Хусусан, марказий **"CGTN" телеканали**да Хитой расмий доиралари учун Ўзбекистоннинг аҳамияти тобора ортиб бораётгани эътироф этилган ҳолда, расмий Пекин ва расмий Тошкент ўртасидаги ўзаро манфаатли алоқалар тарихий Буюк Ипак йўлининг рамзий маънода тикланиши ҳамда ўзаро муносабатлар ривожига хизмат қилиши таъкидланади.

**"PV Magazine" журнали** шарҳловчилари яқинда Хитой Халқ Республикаси Раиси Си Цзиньпин Ўзбекистон Республикаси Президенти Шавкат Мирзиёевга мактуб йўллаганига эътибор қаратди. Унда ХХР раҳбари Хитой ва Ўзбекистон ўртасидаги ҳар томонлама стратегик шериклик муносабатларида ижобий тенденция давом этиб, ўзаро сиёсий ишонч муттасил мустаҳкамланиб бораётганини билдирган. Икки давлат етакчиларининг Циндао шаҳрида ШҲТ саммити доирасидаги учрашуви чоғида қабул қилган режалари босқичма-босқич ҳаётга татбиқ этилаётгани мамнуният ила қайд этилган.

Ўз навбатида, **"China Radio International" радиоси** эфирида ХХР Бош вазири Ли Кэцяннинг қуйидаги сўзлари бир неча кун мобайнида узатилди:

*"Биз Ўзбекистон билан юқори самарали ва экологик тоза саноат қувватларини бунёд этиш, тараққиёт бўйича тажриба алмашишга тайёрмиз. Хитой тадбиркорларини Ўзбекистондаги саноатлашув жараёнларида иштирок этишга ҳамда республика билан алоқаларни кенгайтиришга чорлаймиз... Биз Ўзбекистондан импорт қилинадиган товарлар, шу жумладан, агросаноат маҳсулотлари ҳажмини кўпайтиришни мақсад қилганмиз".*

**"Fitch Solutions" таҳлилий маркази** экспертлари томонидан тайёрланган маърузада маълум қилинишича, расмий Тошкент замонавий даврда "очиқ эшиклар сиёсати"га амал қилмоқда. Дунё амалиётида камдан-кам давлат Шарқда ҳам, Ғарбда ҳам бирдек юксак обрў-эътибор ва нуфузга эга бўлган. Бироқ Президент Шавкат Мирзиёевнинг жадал дипломатик саъй-ҳаракатлари ҳамда ички сиёсатдаги қатъий ислоҳотлари Ўзбекистонни барча бирдек ҳурмат қиладиган ва ҳамкорлик ўрнатишга интиладиган мамлакатга айлантирди.

Хорижий ҳамкорлар, шу жумладан, Хитой билан савдо-иқтисодий алоқалар жадаллашиб бораётгани Ўзбекистоннинг тараққиёти ва фаровонлигига хизмат қилгани баробарида, Марказий Осиёдаги тинчлик ҳамда осойишталик мустаҳкамланишига ҳам кўмаклашаётир. Экспертлар қайд этганидек, Шавкат Мирзиёев минтақанинг ҳаракатлантирувчи кучига айланмоқда.

Ўзбекистон миллий иқтисодиётга янги технологиялар ва инновацияларни кенг жорий этмоқда, деб ёзади **"Синьхуа" ахборот агентлиги** мухбири. Айниқса, Россия билан ҳамкорликда атом электр станцияси қурилиши, Хитой компаниялари кўмагида янги гидро ва гелио электр станциялари бунёд этилиши, Америка бизнес субъектларининг республика саноат қувватларини модернизациялашда иштирок этиши, буларнинг барчаси Ўзбекистон бозори учун жиддий рақобат бошланганидан далолат беради. Шу маънода, агентлик хитойлик тадбиркорларни ўзбек иқтисодиётига сармоя киритишда фаоллик кўрсатишга чорлайди. Зеро, журналистларнинг фикрича, тез орада республика минтақа геоиқтисодий муҳитини ўзгартиришга қодир давлатга айланади.

**Анвар МИРЗАЕВ**
**(«Халқ сўзи») тайёрлади.**

## Депутат фикри

# Иссиқлик таъминотига оид қонун ишлаб чиқилмоқда

*Бугунги кунда юртимизда коммунал хизматлар кўрсатиш бўйича замонавий бозорни шакллантиришга қаратилган кенг кўламли ислоҳотлар амалга оширилмоқда. Бу, ўз навбатида, уй-жой фондини бошқариш ва ундан фойдаланишнинг мутлақо янги тизимини шакллантиришга замин яратди.*

Айни пайтда республикамизда фаолият юритаётган 4 мингдан зиёд хусусий уй-жой мулкдорлари ширкатлари 32,4 мингдан ортиқ кўп хонадонли уйларга хизмат кўрсатаётир. Турар-жойларни, аввало, ипотека кредити асосида қуриш ва реконструкция қилиш ишлари ҳам тобора кенгаймоқда.

Олиб борилаётган чора-тадбирлар натижасида аҳоли сони муттасил ўсиб боришига қарамай, уларни уй-жой билан таъминлаш даражаси ҳам ошяпти. Мисол учун, 1991 йилда киши бошига 12,4 квадрат метр тўғри келган бўлса, айни пайтда бу кўрсаткич ўртача 15,2 квадрат метрга етди.

➡ 2

*Журналист бетараф, яъни холис ва ҳалол бўлиши, ишига масъулият билан ёндашиши, фаолиятини ўз ишончи ҳамда принципларига мувофиқ амалга ошириши зарур. Бу ҳеч қачон эскирмайдиган, олтин қоида. Яқинда ишлаб чиқилган Ўзбекистон Журналистларининг одоб-ахлоқ кодекси лойиҳаси мазмун-моҳиятида ана шундай принципиал ёндашув инъикосини топган.*

## Парламент ҳаёти

# Журналистларнинг одоб-ахлоқ кодекси лойиҳаси тайёрланди

### Бундан кўзланган мақсад нима?

Хўш, бугунги кун ижодкори ҳам ушбу мезонларга чин дилдан амал қиляптими? ОАВ соҳасида ўзини-ўзи бошқаришнинг самарали усулларини жорий этиш борасида қандай ишлар олиб борилмоқда?

Пойтахтимизда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг Инновацион ривожланиш, ахборот сиёсати ва ахборот технологиялари масалалари қўмитаси ҳамда Ўзбекистон Журналистлари ижодий уюшмаси ҳамкорлигида ўтказилган давра суҳбатида шу каби долзарб масалалар муҳокама этилди, юқорида номи айтиб ўтилган кодекс лойиҳаси атрофлича кўриб чиқилди. Унда депутатлар, ЮНЕСКО, Европа иттифоқининг Тошкентдаги ваколатхоналари, "Минтақавий мулоқот" халқаро ташкилоти, Буюк Британия элчихонаси вакиллари, ахборот соҳаси мутахассислари ҳамда журналистлар иштирок этди. Шу аснода мавзуга доир маърузалар тингланди, халқаро ва хориж амалиётидаги мавжуд тажрибалар билан ўртоқлашилди, фикр-мулоҳазалар билдирилди.

➡ 2

«Яшил иқтисодиёт»:

# Келажак авлод олдидаги улкан масъулият



***Остона. “Халқ сўзи” махсус мухбири Саид РАҲМОНОВ хабар қилади.***

*Бу ерда “Сув хўжалигида “яшил” технологияларни татбиқ қилиш бўйича Қозоғистон тажрибасини оммалаштириш” мавзуида халқаро конференция бўлиб ўтди.*

*Мазкур йирик анжуман бизга қўшни мамлакатда ташкил этилганининг сабаби шундаки, бу ерда Европа иттифоқи, БМТ Тараққиёт дастури, Европа иқтисодий комиссияси ҳамда Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ҳамкорлигида “Яшил иқтисодиёт” моделига ўтишда Қозоғистонни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси амалга оширилаётир. Ушбу конференция ана шу ижтимоий-экологик дастур доирасида ўтказилди.*

## Халқаро конференция

Унда минтақа давлатлари, шу жумладан, Ўзбекистон Республикасидан ташриф буюрган делегация вакиллари, тегишли ташкилот ва идоралар масъул ходимлари иштирок этди.

Жаҳон тажрибаси, ҳозирги ижтимоий-иқтисодий шароит, экологик вазият ривожланишнинг барқарор йўлидан боришни тақозо қиляпти. Бинобарин, инсоният иқтисодий тараққиёт илинжида табиий ресурслардан аёвсиз фойдаланиши оқибатида унинг салмоқли қисми бой берилди. Аксарияти қайта тикланмаслиги, энг асосийси, бу неъматлардан келажак авлод ҳам умидворлиги улардан тежаб-тергаб фойдаланишни, исрофгарчиликка йўл қўймасликни талаб қилади.

Кейинги пайтда Марказий Осиё минтақасида тез-тез такрорланаётган қурғоқчилик мавсумларида чучук сув захиралари нечоғлиқ камайиб кетганлиги кўзга яққол ташлана бошлади. Бу ҳол Қозоғистон Республикасини ҳам четлаб ўтгани йўқ. Аксинча, чўлланиш жараёни тезлашмоқда. Қозоғистон сув хўжалиги илмий-тадқиқот институти бош директори ўринбосари Миробит Мирдадаевнинг айтишича, 2040 йилга бориб мамлакатда сув танқислиги кескин ортиши мумкин. Бу асосий истеъмолчи саналадиган қишлоқ хўжалиги истиқболига жиддий таъсир кўрсатмай қолмайди. Чунки мавжуд ресурснинг 60 фоизи аграр тармоққа сарфланади.

Охирги уч йил давомида ҳаётга татбиқ қилинаётган “яшил” технологиялар вазиятни юмшатиш, иқлим ўзгаришларига мослашиш, шунингдек, кам сув сарфлаб, мўл ҳосил олиш, аҳолининг тоза ичимлик сувидан баҳрамандлик даражасини оширишга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

### Лойиҳа қандай самара берди?

Ижросига 2015 йилда киришилган “Яшил иқтисодиёт” моделига ўтишда Қозоғистонни қўллаб-қувватлаш” лойиҳаси жорий йилда якунланиши кўзда тутилган.

Лойиҳа менежери Гулжамол Исаеванинг айтишича, мазкур йўналишдаги ишлар бундан кейин ҳам изчил давом эттирилади. Сабаби унинг доирасида гидротехника иншоотларидан комплекс фойдаланиш, барқарор суғориш тизимини йўлга қўйиш мақсадида ишлаб чиқилган “яшил” технологиялар амалда ўзини тўла оқлади. Чўл ва яримчўл шароитида экологик тоза қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари етиштириш имконияти юзага келгани шундай дейишга асос бўлади.

Дарҳақиқат, лойиҳа доирасида 7 миллион евро миқдорида инвестиция ўзлаштирилиб, кўплаб пилот лойиҳалар рўёбга чиқарилган. Биргина сув хўжалигида 18 та технология синовдан ўтказилгач, энг мақбуллари танлаб олинган. Бунинг натижасида Қизилўрда вилоятида деҳқончиликнинг анъанавий усулидан ташқари, органик усули ҳам ривожланиши баробарида, шўрланган майдонларда боғлар барпо этишнинг уддасидан чиқилди. Шунингдек, Остона шаҳри ва унинг атрофида иссиқхона хўжалигининг янги мактабига асос солинаётган бўлса, Оқтўба сув омбори бошқаруви тизимини автоматлаштириш орқали обиҳаёт беҳуда йўқотилишига чек қўйилди.

Анжуманда лойиҳа ижтимоий соҳа объектлари, хусусан, мактабгача таълим муассасаларини тоза ичимлик суви билан таъминлаш, канализация тизимини реконструкция қилиш имконини бергани ҳам айтиб ўтилди.

### «Ўзбекистон тажрибаси ўрганишга арзийди»

Халқаро конференцияда Ўзбекистон сув хўжалиги тизимида амалга оширилаётган лойиҳалар тақдимоти ҳам бўлди.

Ўзбекистон Республикаси Экология ва атроф-муҳитни муҳофаза қилиш давлат қўмитаси бошқарма бошлиғи Нўъмонжон Шокиров ўз чиқишида таъкидлаганидек, сув ресурслари чекланган Марказий Осиё давлатлари ижтимоий-иқтисодий ривожи, аҳолисининг турмуш фаровонлиги обиҳаётдан нечоғлиқ оқилона фойдаланишга боғлиқ. Шунинг учун Ўзбекистонда ресурс тежамкор технологияларни ва аграр соҳада самарали усулларни қўллаш орқали ресурсни иқтисод қилишга устувор аҳамият берилмоқда.



Буни қишлоқ хўжалиги экин майдонларини сув билан кафолатли таъминлаш мақсадида ҳар йили Давлат бюджетидан 2 триллион сўмдан ортиқ, суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш учун эса 400 миллиард сўмдан зиёд маблағ ажратилаётгани мисолида кўриш мумкин. Натижада 2017 йил якунлари бўйича қарийб 240 минг гектар майдонда тежамкор технологиялар жорий этилди. Жумладан, 28 минг гектарда томчилатиб суғориш усули татбиқ қилинди.

Эътиборлиси, ушбу йўналишдаги ишлар кўлами йил сайин кенгайтириб борилмоқда. 2017-2018 йилларда суғориладиган ерларнинг мелиоратив ҳолатини яхшилаш, коллектор ва дренаж тармоқларини босқичма-босқич тозалаш тадбирлари учун Давлат бюджетидан 1,5 триллион сўм, халқаро молия институтларининг 150 миллион АҚШ доллари миқдорида маблағи йўналтирилмоқда. Бу жараёнда “яшил” технологиялар қўлланилиб, эгилувчан қувурлардан фойдаланиш, ўқариқларга плёнка тўшаб, ёмғирлатиб, томчилатиб суғориш усуллари тобора кенг қулоч ёзаётгани диққатга сазовордир.

Конференция иштирокчилари юртимизда бундай лойиҳалар ташаббускорларини ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, солиқ енгилликлари бериш, имтиёзли кредитлар ажратиш бўйича тажриба ҳар томонлама чуқур ўрганишга арзигулик эканлигини алоҳида эътироф этдилар. Сув хўжалигида қўлланиладиган тежамкор технологик ускуна ва жиҳозларни ишлаб чиқариш йўлга қўйилганини эса юқори баҳолашди.

— Дарҳақиқат, Ўзбекистонда ресурслардан оқилона фойдаланиш, атмосферага зарарли чиқиндилар чиқарилишининг олдини олиш борасида улкан лойиҳаларга қўл урилмоқда, — дейди Тожикистон Республикаси Энергетика ва сув ресурслари вазирлиги масъул ходими Раҳматулло Асоев. — Шундай лойиҳаларга бизнинг давлатимиз билан ҳамкорликда қўл урилаётганидан хурсандмиз. Бу ерда гап Зарафшон дарёсининг бошида ГЭСлар қуриш ҳақида бормоқда.

Марказий Осиё минтақавий экологик маркази ташаббуси билан ўтказилган конференция якунида айтилишича, сув хўжалигида “яшил” технологиялар татбиқ қилиниши туфайли Қозоғистонда ўртача рентабеллик 7 фоизга етказилди.

Тўғри, “яшил иқтисодиёт” модели самараларини рақамлар билангина ифодалаб бўлмайди. Унинг энг асосий жиҳати иқтисодиёт соҳалари, саноат тармоқларида табиий ресурслардан фойдаланиш мезонлари мувозанатини ушлаб туришда кўзга ташланади.

# Иссиқлик таъминотига оид қонун ишлаб чиқилмоқда

1 ➡

Иссиқлик таъминоти соҳасида бир қатор дастурлар қабул қилиниб, унинг бажарилишига аҳамият берилаётган бўлса-да, тизимда қатор камчиликлар кўзга ташланмоқда. Хусусан, аҳолининг иссиқ сувга бўлган эҳтиёжлари тўлиқ қондирилмаяпти, айрим ҳудудларда иссиқлик манбалари самарали фаолият кўрсатмаяпти, қувурлар эса таъмирталаб аҳволда. Шунингдек, истеъмолчилар томонидан иссиқ сув учун тўловларни ўз вақтида тўламаслик ҳолатлари ҳам соҳа ривожига салбий таъсир кўрсатаётир.

Сир эмас, марказлаштирилган иссиқлик таъминоти тизими 1950 — 1970 йилларда очиқ сув тақсимоти ҳамда бино ва иншоотларнинг иситиш тизимларини иссиқлик тармоқларига улаш схемаси асосида ташкил қилинган. Бу иссиқликни ишлаб чиқариш, транспортировка ва истеъмол қилишда эксплуатация харажатларининг юқорилиги, тармоқлар орқали сув узатиш ва иссиқлик қуввати таъминотида белгиланган меъёрдан ортиқ маблағ сарфланиши билан ифодаланади. Марказлаштирилган иссиқлик таъминотидан узилган айрим кўп хонадонли уйларда, кўпинча, сертификатга эга бўлмаган ва ёнғин хавфсизлиги кафолатланмаган газ ҳамда электр ускуналаридан фойдаланилмоқда.

Давлатимиз раҳбарининг 2017 йил 20 апрелдаги “2018 — 2022 йилларда иссиқлик таъминоти тизимини ривожлантириш дастури тўғрисида”ги қарори ана шундай муаммоларни бартараф этиш, хусусан, истеъмолчиларга иссиқлик энергияси етказиб бериш сифатини ошириш ва узлуксизлигини таъминлаш, замонавий тежамкор технологияларни қўллаш, тармоқ модернизациясида муҳим ўрин тутаётир.

Тизим ишини жонлантиришга туртки берадиган яна бир муҳим масала коммунал хизмат кўрсатиш соҳасининг тоза ичимлик суви, иссиқлик, газ таъминоти, оқова сувлар ва ободончилик каби соҳалари фаолиятини алоҳида қонун билан тартибга солишдир.

Ҳозирги кунда иссиқлик таъминоти соҳасининг меъёрий-ҳуқуқий базаси, асосан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси қарорлари ва қонуности ҳужжатлардан иборат. Афсуски, мамлакатимизда иссиқлик таъминотига доир асосий масалаларни тартибга солувчи алоҳида қонун мавжуд эмас.

Хориж тажрибасига кўра, ушбу масалалар қонунлар даражасида тартибга солинади. Жумладан, Дания, Эстония, Россия, Германия, Жанубий Корея, Чехия ва бошқа давлатларда шундай қонунлар қабул қилинган.

Юртимиздаги мавжуд меъёрий-ҳуқуқий база ҳамда хорижий мамлакатлар тажрибасидан келиб чиқиб айтиш мумкинки, “Иссиқлик таъминоти тўғрисида” қонун лойиҳаси концепциясини тайёрлаш ва амалиётга татбиқ этиш вақти келди. Бунда, аввало, мазкур қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш учун унинг концепциясини тайёрлаш зарур. Унда иссиқлик таъминотининг ҳуқуқий, иқтисодий ва ташкилий асосларини белгилаш, иссиқлик таъминоти соҳасида давлат сиёсатининг энг муҳим йўналишлари мустаҳкамланиши айни муддаодир.

Ҳозирги пайтда қонун лойиҳасини ишлаб чиқиш жараёнининг дастлабки босқичлари амалга оширилаётир. Лойиҳада иссиқлик етказувчилар ва истеъмолчиларнинг ҳуқуқ ҳамда мажбуриятларини, шунингдек, иссиқлик таъминоти ташкилоти ва маҳаллий давлат ҳокимияти органлари ўртасидаги муносабатларни тартибга солиш, иссиқликдан оқилона фойдаланиш, иссиқлик таъминоти тизими дахлсизлигини таъминлаш каби долзарб масалалар инобатга олиниши кўзда тутилган. Бу эса иссиқлик таъминотига ноқонуний уланишларни бартараф этиш, иссиқлик таъминоти хўжалиги ва истеъмолчилар томонидан ғайриқонуний хатти-ҳаракатларга чек қўйиш имконини беради.



*Қонуннинг қабул қилиниши шаҳар ва туман марказларида иссиқлик таъминоти тизимини тубдан яхшилаш, аҳоли учун ижтимоий-маиший қулай шароитлар яратиш, замонавий технологияларни қўллаш орқали табиий газ ҳамда электр энергиясини бир неча баробар тежашда катта роль ўйнайди.*

**Акмал УМАРАЛИЕВ,**
**Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутати,**
**Ўзбекистон ХДП фракцияси аъзоси.**



# Журналистларнинг одоб-ахлоқ кодекси лойиҳаси тайёрланди

## Бундан кўзланган мақсад нима?

1 ➡

— Охирги икки йилда оммавий ахборот воситалари ва журналистик фаолият соҳасига доир қонунчиликка қатор ўзгартиш ҳамда қўшимчалар киритилди, — деди парламент қуйи палатаси депутати Расул Кушербаев. — Жумладан, “Журналистлик фаолиятини ҳимоя қилиш тўғрисида”ги Қонунга киритилган янгиликка мувофиқ, соҳага доир одоб-ахлоқ қоидалари журналистлар ва оммавий ахборот воситалари бирлашмалари томонидан мустақил равишда ишлаб чиқилиб, қабул қилиниши белгилаб қўйилди. Бу Ўзбекистоннинг жаҳон ахборот маконидан муносиб жой эгаллаши йўлида ташланган муҳим қадамлардан бирига айланди.

Бинобарин, ўтган даврда республикамизда оммавий ахборот воситалари сони 3,6 баробар ошди. Хусусан, ҳозирги кунда 480 та веб-сайт электрон масс-медиа йўналишида фаолият олиб бораётгани диққатга сазовор. Улар соғлом рақобат муҳитини шакллантиришга ҳисса қўшмоқда.

Бироқ ана шу ахборот воситалари ўз фаолиятини умуминсоний қадриятлар ҳамда ахлоқий меъёрлар асосида ташкил этяптими? Афсуски, бу саволга жўяли жавоб қайтариш қийин. Шунинг учун Ўзбекистон Журналистлари одоб-ахлоқ кодекси лойиҳасини ишлаб чиқишга эҳтиёж туғилди. У бир қатор медиа тузилмалар, журналистлар, экспертлар, фуқаролик жамияти институтлари, тегишли ташкилотлар вакиллари иштирокида яратилди.

Мазкур лойиҳада Ўзбекистон Республикаси Конституцияси ва амалдаги қонунчилик, миллий ҳамда халқаро ҳуқуқий меъёрлар, хусусан, Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон декларацияси, Халқаро журналистика профессионал этика тамойиллари каби ҳужжатлардаги асосий принциплар қамраб олинди. Унда асосий ахлоқий-этик йўналишлар, ижтимоий-иқтисодий, сиёсий ислоҳотларнинг очиқлигини таъминлаш, инсон ҳуқуқларини кенг рўёбга чиқаришда адолат ва тенглик тамойилларига риоя этиш, аҳоли дунёқарашини юксалтиришда соҳа вакиллари зиммасидаги масъулият қирралари ўз аксини топди.

— Ўзбекистонда сўнгги йилларда оммавий ахборот воситалари мустақиллиги ҳамда сўз эркинлигини кафолатлаш йўлида қатор ислоҳотлар рўёбга чиқариляпти, — деди Европа иттифоқининг мамлакатимиздаги делегацияси раҳбари Эдуардс Стипрайс. — ОАВ фаолияти кенгайиб, эркинлашиб боргани сайин эса журналист этикаси, одоб-ахлоқ қоидалари масаласи кун тартибига чиқади. Европа давлатларида бунга жиддий қаралади. Гарчи уларда шу каби кодексларга амал қилиш кўнгилли характер касб этса-да, кўпчилик бу борадаги қоидаларга панжа ортидан қараш қандай оқибатларга олиб келишини яхши тушунади ва уларнинг доирасидан чиқмасликни ўзлари учун бурч, деб билади. Ўзбекистонда ҳам шу бўйича кодекс лойиҳаси ишлаб чиқилгани олқишга сазовор.

Тадбир якунида иштирокчилар томонидан билдирилган таклиф ва тавсиялар инобатга олиниб, мазкур кодексни қабул қилиш ҳамда ундаги қоидаларнинг амалга оширилишини мониторинг қилиб борувчи махсус Жамоатчилик кенгашини шакллантиришга келишиб олинди.

**Саиджон МАХСУМОВ.**

# Янги нормалар иш услубини такомиллаштиришни назарда тутади

*Одил судловни таъминлашда суд муҳим ўрин тутади. Шу боис соҳада судьяларни тайинлаш юксак масъулият талаб қилади. Судья ўз касбининг ҳақиқий профессионали бўлсагина, бутун жамият, одамларнинг адолатга, ишларнинг қонуний кўриб чиқилишига ишончи янада ортади.*

## Қонун кучга кирди

Шу йилнинг 12 октябрида эълон қилинган “Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига одил судловни амалга ошириш самарадорлигини янада кучайтиришга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш, шунингдек, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Ўзбекистон Республикаси Қонунини ўз кучини йўқотган деб топиш ҳақида”ги Қонун билан айнан мазкур тамойилни илгари сурувчи янги нормалар киритилди.

Ҳозирги кунда Олий суд тизимида судлов ҳайъати раиси лавозимлари бекор қилиниб, уларнинг вазифалари Олий суд раисининг тегишли ўринбосарларига ўтказилди. Шу муносабат билан, Олий суд раиси ўринбосарларининг қуйи судлар фаолияти самарадорлигини оширишдаги масъулиятини кучайтириш мақсадида “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига ўзгартишлар киритилди. Унга кўра, ўринбосарлар судлов ҳайъатларининг ишига раҳбарлик қилиш билан бирга, қуйи судлар фаолиятини ташкил этишда ҳам кўмаклашади.

Бинобарин, “Судлар тўғрисида”ги Қонуннинг тегишли моддаларига вилоят суди ҳамда қуйи судлар фаолияти самарадорлигини оширишда вилоят ва унга тенглаштирилган суд раислари ҳамда ўринбосарларининг масъулиятини кучайтиришни назарда тутувчи ўзгартишлар белгиланди.

Бундан ташқари, тизимда замонавий ахборот-коммуникация технологиялари кенг қўлланилишини таъминлаш, судьялар ўртасида ишларни тўғри юритиш мақсадида суд ишларини автоматлаштирилган ахборот тизимидан фойдаланган ҳолда тақсимлаш юзасидан ўзгартиш киритилди.

Қонун билан яна бир долзарб масаланинг амалий ечимига эришилди. Хусусан, Фуқаролик процессуал кодексига биноан, судда амалга ошириладиган ҳар бир процессуал ҳаракат тўғрисидаги, яъни аризани иш юритишга қабул қилиш, аризани қайтариш ва бошқа маълумотлар ҳақида ишга алоқадор шахсларга почта орқали хабар берилади.

Шундан келиб чиқиб, Қонун билан Фуқаролик процессуал кодексининг тегишли моддаларига иштирокчи шахсларнинг зиммасига судга мурожаат қилишда почта харажатларини тўлаш мажбуриятини юклашни назарда тутувчи қўшимчалар киритилди.

Мазкур ҳуқуқий ҳужжат шахсларни судга чақириш ва уларга суд қарорларини юбориш билан боғлиқ сансалорликларни истисно қилиш, суднинг почта харажатларини ўз вақтида қоплаш, шунингдек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва манфаатларини ҳимоялашни таъминлашга имкон беради.

Қонун асосида Маъмурий суд ишларини юритиш тўғрисидаги кодексга номувофиқлиги ҳамда асосий қоидалар ушбу кодекс томонидан тартибга солинишини инобатга олиб, “Фуқароларнинг ҳуқуқлари ва эркинликларини бузадиган хатти-ҳаракатлар ва қарорлар устидан судга шикоят қилиш тўғрисида”ги Қонун ўз кучини йўқотган, деб топилди.

Хулоса ўрнида айтиш мумкинки, мамлакатимизда одил судловни амалга ошириш йўлида олиб борилаётган ислоҳотларнинг барчаси тизимдаги муаммоларнинг олдини олиш ва иш самарадорлигини оширишда муҳим ўрин тутади.

**Шуҳрат ЧЎЛЛИЕВ,**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси.**

# Қарор ижроси қай аҳволда?

*Бугунги кунда республикамизда 1008 нафар психолог шифокор фаолият юритади. Уларнинг 754 нафари психолог, 161 нафари болалар психологи бўлса, 25 нафари ўсмирлар психологи ва 16 нафаригина психотерапевт мутахассислигини эгаллаган. Мунтазам ўсиб бораётган аҳоли сони, глобаллашув, кучли ахборот оқимлари ҳамда замон шиддатининг инсон руҳиятига салбий таъсирини инобатга оладиган бўлсак, 33 миллиондан зиёд халқимиз учун бу жуда кичик рақамлардир.*

## Парламентдаги мухбиримиз хабар қилади

Аҳолига психологик хизмат кўрсатиш ва психиатрия муассасаларида беморларни даволаш, уларни замонавий диагностика, лаборатория асбоб-ускуналари билан жиҳозлаш бўйича амалга оширилаётган ишлар, аниқроғи, соҳадаги мавжуд муаммолар Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси мажлисида атрофлича муҳокама этилди. Айни чоғда Президентимизнинг “Психиатрия ёрдами кўрсатиш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори ижросига тўхталиб ўтилди.

Тадбирда республикамизда 25 та психиатрия муассасаси фаолият юритаётгани ва улар томонидан доимий равишда профилактика ҳамда даволаш ишлари олиб борилаётгани қайд этилди. Шунга қарамай, нафақат беморларга тиббий ёрдам кўрсатиш, балки аҳолининг руҳий ҳолатини ўрганишда қатор муаммолар ҳал этилмай қолиб кетяпти. Жойларда психиатрия муассасаларини малакали кадрлар билан таъминлаш ишлари суст олиб бориляпти.

— Ўрганишларда иш ҳақининг пастлиги, шифокорларнинг соғлиғи ва ҳаёти ижтимоий суғурталанмагани сабабли кўплаб кадрлар, айниқса, ёшлар ишдан бўшаб, хусусий клиникаларга ўтиб кетаётгани аниқланди, — дейди Олий Мажлис Сенатининг Фан, таълим ва соғлиқни сақлаш масалалари қўмитаси раиси ўринбосари Гавҳар Алимова. — Мисол учун, 2018 йилнинг биринчи ярим йиллигида республика бўйича 74 нафар мутахассис, шу жумладан, 16 нафар олий таълим муассасалари битирувчиси соҳада ишлашни бошлаган бўлса, ярим йилликнинг охирига келиб уларнинг 89 фоизи, яъни 66 нафари ўз ишини тарк этган. Масаланинг яна бир томони, руҳий хасталиги бор шахсларни иш билан таъминлаган корхоналарга солиқ преференцияларининг тақдим этилиши билан боғлиқ. Бу хилдаги беморлар мунтазам даволаниши ва зарур тиббий хизматни олишга мажбурлигини инобатга олсак, уларни доимий иш билан таъминлаш масаласи нақадар муҳимлиги ойдинлашади. Ҳукумат томонидан меҳнатга лаёқатли беморлар учун иш ўринларини ташкил қилишда янгича ёндашувларни татбиқ этиш талаб қилинади. Бу бўйича амалий таклифлар ўртага ташланди.

Шунингдек, тадбирда соҳада кузатилаётган муаммоларни бартараф этиш юзасидан Соғлиқни сақлаш вазирлиги масъулларининг ахбороти эшитилди.

— Суицидларнинг асосий сабаби инсон руҳиятининг бузилиши билан боғлиқ, — дейди соғлиқни сақлаш вазири ўринбосари Элмира Боситхонова. — Мазкур масалага оид статистик маълумотлар таҳлил қилинганда, жорий йилда ўтган йилдагига нисбатан эркаклар ўртасида бу кўрсаткич ошганини, аёллар ва болалар ўртасида эса камайганини кузатиш мумкин. Бу ерда ҳам муаммо мутахассислар етишмаслигига бориб тақалади. Сурхондарё ва Фарғона вилоятларидан ташқари мамлакатимизнинг бирорта минтақасида суицидология бўйича мутахассислар мавжуд эмас. Психиатрия муассасаларида штат бирликларининг етишмаслиги беморларга қарашда, уларнинг феъл-атворида тажовузкор ҳолат юзага келган вақтда зарур тиббий ёрдам кўрсатишда қийинчиликлар келтириб чиқаряпти.

Масаланинг амалий ечими сифатида бу йилдан бошлаб бир неча тиббиёт олий ўқув юртларига психолог мутахассисларни тайёрлаш бўйича квоталар ажратилди. 4 нафар шифокор чет элда ўқитилиб, тор мутахассисликларни эгаллади. Аммо олдимизда қилиниши лозим бўлган вазифалар ҳали жуда кўп. Бу борада тиббиёт йўналишидаги олий ўқув юртларининг дастурларини қайта кўриб чиқиш, кадрлар сонини кўпайтириш, ёш малакали мутахассисларни рағбатлантириш мақсадга мувофиқ.

Кўриб чиқилган масалалар юзасидан қўмитанинг тегишли қарори қабул қилинди.

**Мунисхон КАРИМОВА.**

## ЎЗБЕКИСТОН ҚАҲРАМОНИ ВЕРА ПАК



Мамлакатимиз таълим соҳаси оғир жудоликка учради. Фидойи педагог, меҳрибон мураббий, Ўзбекистон Қаҳрамони Вера Борисовна Пак 80 ёшида вафот этди.

Вера Пак 1938 йили Қорақалпоғистон Республикаси Қўнғирот туманида туғилди. 1961 йили Нукус давлат педагогика институтининг кимё-биология факультетини битирди.

Бўлғуси педагог ўз меҳнат фаолиятини 1961 йили Хива шаҳридаги А. С. Пушкин номидаги 3-умумтаълим мактабида кимё ва биология фанлари ўқитувчиси сифатида бошлади. Ушбу мактабда ёш авлоднинг билимдон фарзандлар бўлиб камолга етишига муносиб ҳисса қўшди.

1985 — 2015 йилларда Хоразм вилоятидаги 20-Меҳрибонлик уйи раҳбари, 2015 — 2018 йилларда Хива шаҳридаги “Меҳрибонлик шаҳарчаси” директори лавозимларида меҳнат қилди.

Вера Пак 2004 — 2009 йилларда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати аъзоси сифатида самарали фаолият юритди.

У ўзининг 57 йиллик педагогик фаолияти мобайнида ота-она меҳрига ташна кўплаб болаларнинг юрагида ҳаётга, келажакка мустаҳкам ишонч уйғотган эди. Уларнинг Ватанимизга, халқимизга садоқатли фарзандлар бўлиб улғайиши йўлида фидойилик билан меҳнат қилди. Меҳрибонлик уйи тарбияланувчилари мустақил ҳаётга қадам қўйганидан сўнг ҳам уларни маънавий жиҳатдан қўллаб-қувватлаб, ёш йигит-қизларнинг касб-ҳунар ўрганиши, оила қуриб, уй-жой билан таъминланиши йўлида жонбозлик кўрсатди.

Устоз Вера Пакнинг мамлакатимиз таълим-тарбия соҳасини ривожлантириш борасидаги хизматлари давлатимиз томонидан муносиб тақдирланди. У 1992 йили “Ўзбекистон Республикасида хизмат кўрсатган халқ таълими ходими” фахрий унвони, 2001 йили “Ўзбекистон Қаҳрамони” унвони билан мукофотланган эди.

Меҳрибон устоз, фидойи педагог, самимий ва камтарин инсон Вера Борисовна Пакнинг ёрқин хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

**Ш. МИРЗИЁЕВ, Н. ЙЎЛДОШЕВ, Н. ИСМОИЛОВ, А. АРИПОВ, А. АБДУВАХИТОВ, Ш. ШЕРМАТОВ**




*Сўнгги йилларда юртимизда тез тиббий ёрдам хизматини ислоҳ қилиш, яъни замонавий тиббий техника ва дори-дармон билан таъминлаш, тизимга янги русумдаги автомашиналарни жалб этиш бўйича сезиларли ишлар олиб борилди.*

# Тез тиббий ёрдам хизмати

## авиация техникаси билан таъминланади



Афсуски, соҳа ривожига оид берилган топшириқлар ва мақсадли режаларнинг тўлиқ бажарилмай, қоғозда қолиб кетаётгани ёхуд номигагина уддалангани, тизим ҳанузгача эскича услубда ишлаётгани, автоматлаштирилган хизматнинг мавжуд эмаслиги бор гап. Синов тариқасида жорий этилган янгиликлар ўз ҳолига ташлаб қўйилди. Мурожаатларни саралашнинг амалдаги тартиби асоссиз чақирувлар сони ошиб кетишига сабаб бўлди. Оқибатда тез тиббий ёрдам ўта зарур ҳолларда вақтида манзилига етиб боролмай қолди. Чақирувларнинг сони эса кундан-кунга кўпаймоқда.

Давлатимиз раҳбарининг “Ўзбекистон Республикасида тез тиббий ёрдам хизматини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”-ги қарори имзоланди. Хўш, мазкур ҳужжатдан сўнг аҳолига шошилинч тиббий ёрдам кўрсатишда қандай ўзгаришлар бўлади? У қанчалик тезкор ва самарали хизматга айланади?

— Кўрсатилаётган тез тиббий ёрдам вақтида амалга оширилмаслиги ва унинг сифати юзасидан кўп эътирозлар бўляпти, — дейди соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари, Республика шошилинч тиббий ёрдам илмий маркази бош директори Абдуҳаким Ҳожибоев. — Бунинг ўзига хос сабаблари бор, албатта. Масалан, махсус автомашиналар замонавий тиббий аппаратлар билан етарлича таъминланмаган. Аҳоли томонидан бўлаётган чақирувларнинг ҳаммаси ҳам асосли эмас. Таҳлилларга кўра, чақириқларнинг 30 — 40 фоизини тез тиббий ёрдам машинаси талаб қилинмайдиган чақириқлар ташкил этади. Кўпинча машиналар чақирувларнинг ушбу қисми билан банд бўлиб, тез ёрдамга муҳтож ҳақиқий беморлар навбат кутиб қолишяпти. Энди 13 минг нафар аҳолига битта автомашина белгиланди. Ривожланган давлатларда 20 — 25 минг нафар аҳолига битта махсус автотранспорт воситаси тўғри келади. Бу юртимизда тез тиббий ёрдам хизмати сифатини оширишга хизмат қилади.




Таъкидлаш жоизки, ажратилаётган маблағларнинг етарли эмаслиги соҳанинг моддий-техника базасини янгилаш имконини бермаётган эди. Масалан, бир йилда тез тиббий ёрдам хизматига ажратилган 38 миллиард сўмнинг 32 миллиарди ёки 84 фоизи ходимлар маошига, қолган қисми эса коммунал тўловлар ва бошқа харажатларга сарфланяпти.

Энди тизим бутунлай ўзгаради. Президент қарори мамлакатимиздаги тез тиббий ёрдам хизматини зарур маблағ билан таъминлашдан тортиб, фавқулодда ҳолатларда биринчи ёрдамни кўрсата оладиган парамедикларни тайёрлашгача бўлган жараёнларни тўлиқ қамраб олади.

Аввало, шошилинч ёрдамга муҳтож ҳар бир кишига юқори сифатли тиббий хизматни ўз вақтида кўрсатиш тез тиббий ёрдамнинг устувор вазифаси этиб белгиланди. Бунинг учун эса тизимни етарли маблағ билан таъминлаш зарур. Шу боис Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида Тез тиббий ёрдамни ривожлантириш жамғармаси ташкил этилади.

2019 йил 1 январдан бошлаб мобиль алоқа ҳисобига жамғарма маблағларини шакллантиришга старт берилади. Яъни абонент рақамидан фойдаланганлик учун мобиль алоқа компаниялари томонидан тўланадиган маблағнинг 19 фоизи жамғарма ҳисоб рақамига келиб тушади. Шунингдек, ҳужжат билан алоҳида чора-тадбирлар дастури ҳам қабул қилинди. Унга кўра, республика тез тиббий ёрдам тизими моддий-техника базасини такомиллаштириш, замонавий реанимобиллар билан таъминлаш, уларни зарур тиббий техника воситалари билан жиҳозлаш ишлари амалга оширилади.




Мисол учун, 2019 йилгача 75 млрд. сўм эвазига “С” классидаги 75 та реанимобиль, 2021 йилгача босқичма-босқич 450 млрд. сўм маблағга “В” классидаги 350 та шошилинч тиббий ёрдам машинаси сотиб олинади. Бундан ташқари, 2019 — 2021 йилларда тиббий техника ва жиҳозлар, GPS-трекерлар ва планшетлар, ҳар бир машина учун видеорегистраторлар ҳам харид қилинади. Умуман, соҳа ривожига 3 йил давомида 604,2 млрд. сўм йўналтирилиши, шу билан бирга, 2020 йилдан бошлаб тез тиббий ёрдам хизмати авиация техникаси билан ҳам таъминланиши аҳолига шошилинч ёрдам кўрсатиш имкониятини янада кенгайтиради.

Тез тиббий ёрдам кўрсатиш соҳасида кадрларни ўқитиш, қайта тайёрлаш ва уларнинг малакасини ошириш масаласи ҳам такомиллаштирилади. Шу пайтгача тор доирада фаолият кўрсатиб келаётган Шошилинч тиббий ёрдам ўқув маркази — Республика шошилинч тиббий ёрдам ўқув-машғулот маркази этиб қайта ташкил этиладиган бўлди.

Келгуси йилдан бошлаб марказда вазирлик ва идораларнинг 3,5 мингга яқин ходимлари биринчи тиббий ёрдам кўрсатиш кўникмаларига ўқитилади. 2019 йилнинг 1 апрелидан Тошкент вилоятининг “Чорвоқ” эркин туристик зонасида тез тиббий ёрдам хизмати парамедикларининг фаолиятини йўлга қўйиш бўйича дастлабки лойиҳага ҳам старт берилади. Қолаверса, 2019 йил 1 апрелдан бошлаб Тошкент шаҳрида, 1 октябрдан республикамизнинг қолган ҳудудларида тез тиббий ёрдам бошқарувининг автоматлаштирилган тизими жорий қилинади.

Бу тез ёрдам машиналарининг ҳаракатини мониторинг қилиб бориш, тиббий ёрдам сўраб мурожаат қилган шахслар манзилини телефон (мобиль) алоқа орқали автоматик аниқлаш, тез тиббий ёрдам ёрдам бригадаларини мобиль иловалар ёрдамида, жумладан, имконияти чекланган шахслар учун чақириш, фойдаланиладиган дори воситалари ва тиббиёт буюмларининг ҳисобини юритиш имконини беради.

*Умуман, Президент қарори билан тез тиббий ёрдам хизмати бутунлай янгича мазмун ва шаклда қайта ташкил этилади. Бу эса аҳоли саломатлигини таъминлаш йўлида қўйилаётган катта қадамларнинг биридир.*

**Бош прокуратура ҳузуридаги Ахборот-таҳлил мультимедиа маркази материаллари асосида Раҳим ШЕРҚУЛОВ тайёрлади.**

### Ҳамкорлик

## Хитойлик ишбилармонлар Зарафшондаги имкониятлар билан танишди

*Хитойлик бир гуруҳ ишбилармонлар Зарафшон шаҳрида бўлиб, ҳудудда ўз бизнесини йўлга қўйиш учун таклиф этилаётган шарт-шароит, инфратузилма ҳамда табиий хом ашё ресурслари билан танишди. Хитойнинг “Sichuan Xuejiafu Real Estate Development” ҳамда “Beijing Triumph International Engineering” компанияларининг Қизилқум маркази Зарафшон шаҳрида цемент заводи қуриш таклифи вилоят ҳокимлигида ўтказилган мулоқотда муҳокама этилди.*

**Темур ЭШБОЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.**



*Яқинда Тошкент шаҳрида Ўзбекистон Республикаси Инновацион ривожланиш вазирлиги ҳамда Австриянинг Вена тиббиёт институти ҳамкорлигида юртимизда илк бор энг сўнгги авлод экологик гулчанги қопқонлари ўрнатилди. Вазирлик матбуот хизмати хабарига кўра, айни кунларда давом этаётган “InnoWeek” халқаро инновацион ғоялар ҳафталиги доирасида унинг тақдимот маросими ҳам бўлиб ўтди.*

# Экологик гулчанги қопқонлари ўрнатилди

### Изланиш

Мазкур замонавий қурилмалар мавсумий аллергия манбаларини назоратга олиш имконини беради. Мирзо Улуғбек туманидаги клиникалардан бирига ҳамда Олмазор туманидаги Илғор технологиялар марказига ўрнатилган гулчанги мониторинги станциялари замонавийлиги ва юқори аниқликда ишлаши билан ажралиб туради.

Таъкидлаш жоизки, бугунги кунда дунё аҳолисининг 20 фоизи аллергик касалликлардан азият чекади. Бу турли кўринишларда — тумов, тери қичиши ва қизариши, ҳатто, бронхиал астма кўринишида намоён бўлиши мумкин. Жарроҳлик амалиётлари, хусусан, ўтказилаётган кўз операцияларидан кейин айрим ҳолларда пайдо бўлаётган асоратларнинг илдизи ҳам аллергияга бориб тақалаётгани маълум бўлмоқда. Бинобарин, дунёнинг қатор шаҳарларида аллергик вазиятни назоратда ушлаб туриш муҳим саналади. Энди Тошкентда ҳам шундай бўлди.

Ваҳолонки, ҳозиргача аҳолимиз ҳаво чангланганини аллергия аломатлари пайдо бўлганидан кейингина билиб оларди. Гулчанги мониторинги эса бу мавсумнинг бошланишини олдиндан айтиб бериш, ўз навбатида, касаллик ривожланишининг аломатлари кескинлашишининг олдини олиш имконини яратади.

Гулчанги қопқонларида йиғилган чанглар лаборатория шароитида кучли микроскоплар орқали текширилади ва унинг натижалари ўпкамизга тушиши мумкин бўлган чанглар ҳақида тўлиқ тасаввур беради. Таҳлиллар хулосалари 2019 йилдан бошлаб, Инновацион ривожланиш вазирлигининг расмий сайтида эълон қилиб борилади.

Аллерголог-шифокорларнинг фикрича, айнан маълум мавсумларда шифокорларга мурожаат қиладиган беморларнинг аксарияти аллергиядан азият чекадилар. Гулчанги қопқонлари ёрдамида олинган маълумотлар орқали шифокорлар мавжуд аллергенлар доирасини торайтириши мумкин. Бу эса текширувларга камроқ вақт ҳамда маблағ сарфланиши, тез ва аниқ ташхис қўйилишига олиб келади.

**С. ҚОСИМЖОНОВ тайёрлади.**



# Замонавий китоб савдо мажмуаси ишга тушди

*Пойтахтимизнинг Чилонзор тумани, Қатортол кўчасида янги китоб савдо мажмуаси очилди. Ундаги расталарда мамлакатимизнинг турли нашриётлари томонидан чоп этилган китоблардан ташқари Россия ва қардош мамлакатлардан келтирилган 3000 хилдан зиёд турдаги ўзбек, рус, инглиз ва немис тилларидаги нашрлар ҳам ўрин эгаллади.*

### Маънавият



— Бу ердаги ажойиб ва турфа китобларни кўриб ўзга оламга кириб қолгандек бўлдим, — дейди ЎзДЖТУ талабаси Эъзоза Жўраева. — Айниқса, боғча ёшидаги жажжи китобхонлар учун ташкил этилган махсус бўлимда китоб танлаб сотиб олишдан ташқари, махсус ажратилган жойларда болажонлар рангли-безакли китобларни бўяш, шахмат-шашка ўйнаш имконига ҳам эга бўлганлари менда чуқур таассурот уйғотди.

Мажмуанинг иккинчи қаватида бепул кутубхона ва интернетдан фойдаланиш учун Wi-Fi хизмати йўлга қўйилган. Пастки қаватда эса “Болалар китоби театри” мавжуд.

Мажмуанинг очилиши муносабати билан “Янги аср авлоди” нашриёт-матбаа маркази томонидан ташкил этилган тадбирда давлат ва нодавлат нашриётлар вакиллари, адабиётшунос олимлар, шоирлар, ёзувчилар, ёшлар иштирок этди.

**Сурайё РАВШАНОВА.**

Аъло АБДУЛЛАЕВ (ЎзА) олган суратлар.



# Ўзбекистон россиялик кинематографлар талқинида

*“Россия-Культура” телеканали Ўзбекистон электрон оммавий ахборот воситалари миллий ассоциацияси ва Ўзбекистон Республикаси Туризмни ривожлантириш давлат қўмитаси билан ҳамкорликда “Ўзбекистон. Севги ҳақида афсоналар” деб номланган ҳужжатли фильмлар туркумини суратга олишга киришди.*

### Маданият

Уларда Ўзбекистоннинг қадимги даврдан бошлаб то бугунги кунга қадар бўлган маданий ва тарихий ривожланишининг асосий жиҳатлари қамраб олиниши режалаштирилган.

Ҳужжатли фильмлар сценарийси муаллифи Татьяна Басова лойиҳа ҳақида шундай дейди:

— “Россия-Культура” телеканали ва ЎЭОАВМА ҳамкорлиги “Ўзбекистон: қўлга киритилган кашфиётлар” фильмидан бошланган бўлиб, у бир йил аввал экранларга чиқарилган эди. 25 йил ичида Ўзбекистон тўғрисида биринчи бор суратга олинган ушбу картина, таъкидлаб ўтиш керакки, россияликларнинг назари ва янги Ўзбекистоннинг XXI аср воқелигидаги талқини бўлган. Фильм юқори рейтингга эга бўлиб, телетомошабинларимизда катта қизиқиш уйғотди. Айнан шунинг учун биз ишни давом эттиришга қарор қилдик.

“Ўзбекистон. Севги ҳақида афсоналар” ҳужжатли фильмлар туркуми ЎЭОАВМАнинг Россия телеканаллари билан биргаликдаги бешинчи лойиҳаси ҳисобланади. Бундан аввал “Ўзбекистон — қумликлар жавоҳири”, “Қорақалпоғистон: вақт қумлари оралаб”, “Ўзбекистон: қўлга киритилган кашфиётлар”, “Нукус. Номаълум коллекция” фильмлари яратилган эди.

**Дилшод КАРИМОВ, «Халқ сўзи» мухбири.**

ЭЪЛОН

«Respublika mulk markazi» МЧЖ

бошланғич баҳоси босқичма-босқич ошиб бориш тартибида ўтказиладиган очиқ аукцион савдоларига таклиф этади.

Аукцион савдосига «Магнит» давлат корхонасига тегишли Тошкент вилояти, Оҳангарон туманида сақланаётган «Daewoo Nexia» русумли, давлат рақами 10 242 DBA бўлган, 2007 йилда ишлаб чиқарилган автотранспорт воситаси қўйилмоқда.

- **Бошланғич баҳоси — 36 423 241 сўм.**

Аукцион савдоси 2018 йил 26 ноябрь куни соат 15.00 дан бошлаб ўтказилади. Аризалар иш кунлари соат 10.00 дан 16.00 гача қабул қилинади (соат 13.00 дан 14.00 гача тушлик вақти). Аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 23 ноябрь куни соат 18.00 гача. Мазкур автотранспорт воситаси 26 ноябрь куни сотилмай қолган тақдирда, такрорий савдолар 3, 10, 17 декабрь кунлари соат 15.00 да бўлиб ўтади. Такрорий савдоларга аризаларни қабул қилишнинг охирги муддати — 2018 йил 3 декабрдаги савдо учун 30 ноябрь, 10 декабрдаги савдо учун 7 декабрь, 17 декабрдаги савдо учун 14 декабрь кунлари соат 18.00.

Савдо ғолиби деб топилган шахсга 10 кун ичида сотувчи билан олди-сотди шартномаси тузиш мажбурияти юклатилади. Савдода қатнашиш учун ариза, закалат пули тўланганлиги ҳақидаги тўлов ҳужжати нусхаси, вакиллар учун ишончнома тақдим этилади.

Талабгорлар савдо ташкилотчиси билан тузиладиган закалат келишувига асосан, мулк бошланғич баҳосининг 10 фоизидан кам бўлмаган миқдордаги закалат пулини «RMM» МЧЖнинг «Давр банк» ХАТБ Олмазор филиалидаги қуйидаги ҳисоб рақамига тўлашлари шарт: 22604000200571452001, МФО: 01121, СТИР: 200933850.

*Гувоҳнома № 001805.*

930J/146

Аризаларни қабул қилиш ва савдо ўтказиш манзили:
Тошкент шаҳри, Олмазор тумани, 1-Қорақамиш кўчаси, 1-«А» уй. Телефон: 71-228-79-52.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га
ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.
9.00 дан 18.00 гача
232-11-15,
232-10-63.
E-mail: reklama@xs.uz



# Сирдарё: ИСЛОҲОТЛАРНИНГ ИННОВАЦИОН БОСҚИЧИ

## Уларнинг самараси аҳоли турмуш фаровонлигида ўз ифодасини топмоқда.

*Сўнгги йилларда юртимизнинг ҳар бир гўшасида, ижтимоий-иқтисодий ҳаётимизнинг барча жабҳасида улкан ўзгаришлар юз бермоқда. Бу янгиланишлар замирида она Ватанни обод қилиш, аҳоли турмушини фаровон этишдек эзгу мақсадлар мужассам. Шу маънода, “Сирдарёдаги охирги ўзгаришларнинг энг каттаси нима?” деб сўралса, вилоят аҳлининг аксарияти “Одамларнинг эртанги кунга бўлган ишончи ва юрт равнақи учун дахлдорлик масъулияти ошганлиги”, деб жавоб беришади. Яна йиғилиб қолган муаммолар, айниқса, аҳолини қийнаётган масалаларнинг тез ечим топаётганлиги, ҳудуд иқтисодиётида саноатлашиш даражаси жадаллашгани ҳам ислоҳотларнинг энг муҳимлари сифатида қайд этилади.*

*Бинобарин, ўтган икки йил давомида бутун халқимиз қатори сирдарёликларни ҳам руҳлантирган, эсларида қоладиган янгиликлар, воқеалар кўп бўлди. Бу ҳақда тўхталганда, кечагина ичимлик сувини узоқдан ташиб келтирган кўплаб қишлоқ аҳолисининг мушкули осон бўлганини, ижарада, ҳатто дала шийпонларида омонат яшаётган баъзи юртдошларимиз замонавий хонадонларга кўчиб ўтишганини алоҳида таъкидлаш жоиз.*

*Кам таъминланган оила ёки ёлғиз фуқаролар ҳолидан хабар олиш, уларнинг оғирини енгил қилиш эса одат тусига кирди. Туман ёки вилоят раҳбарининг хонадонларга “Нима муаммоингиз бор?” деб кириб келиши, гўё уй соҳибларининг яқин кишиси ташрифидек ҳолга айланди. Бу Президентимиз томонидан ҳаётга татбиқ этилган “Халқ давлат идораларига эмас, давлат идоралари халқимизга хизмат қилиши керак”, деган тамойилнинг амалий ифодасидир.*

**ОБОД МАНЗИЛЛАР**

### Лампочкадан — лифтгача

Авваллари Сирдарё вилояти саноати ҳақида гап кетса, иссиқлик электр станцияси ва яна бир-иккита эски корхоналар тилга олинарди, холос. Ишлаб чиқариш, хизмат кўрсатиш кўлами, сифати ва даражаси пастлиги ҳамда иқтисодиётида узоқ йиллар давомида аграр соҳа устувор бўлиб келганлиги туфайли вилоятнинг кўплаб туман ва шаҳарлари субсидия ҳисобига кун кечирар эди.

Бугун эса вазият ўзгарди: вилоят барча жабҳа бўйича ривожланиб, саноат, илм-фан, маданият, маърифат ўчоғига айланмоқда. Ҳудудда ўнлаб замонавий ишлаб чиқариш субъектлари фаолият юритяпти. Тадбиркорлар сафи йил сайин кенгайиб бораётир. “Сирдарё” эркин иқтисодий зонаси эса том маънода ҳудуднинг гигант индустриал марказига айланди. Бу ердаги “Пенг-Шенг” Ўзбекистон — Хитой саноат мажмуида тайёрланаётган кафель, сантехника жиҳозлари, жарроҳлик иплари, пойабзал маҳсулотлари рақобатдошлиги билан хориж бозорида ҳам харидоргир. Ҳадемай, эркин иқтисодий зонада яна бир йирик лойиҳа — хитойлик инвесторларнинг 17 миллион АҚШ долларилик сармояси ҳисобига металлни чуқур қайта ишлайдиган “Ванда гроуп” қўшма корхонаси иш бошлаши кутилмоқда.

Қайд этиш керакки, эндиликда вилоят саноати нафақат сон, балки ишлаб чиқариш салоҳияти жиҳатидан ҳам тобора ривож топмоқда. Бунга мисол сифатида воҳа иқтисодиёти учун бутунлай янги тармоқ бўлган фармацевтика саноатини келтириш мумкин. Зеро, ҳудуддаги бир неча корхоналар томонидан импорт ўрнини босувчи ҳамда экспортбоп дори ва тиббиёт воситалари ишлаб чиқарилмоқда. Олдинда эса ҳали кўплаб истиқболли лойиҳалар турибди. Бунда, албатта, Президентимиз қарори билан ташкил этилган “Сирдарё-фарм” эркин иқтисодий зонасининг аҳамияти катта бўлди.

Вилоятда ишлаб чиқариш субъектлари географияси барча ҳудудни қамраб олаётганлиги ҳам эътиборга молик жиҳат. Масалан, “Янгиер” кичик саноат зонасида “Fly Led Group” масъулияти чекланган жамияти томонидан жорий йил май ойидан бошлаб энергия тежамкор лампочкалар, Гулистон шаҳрида хитойлик ҳамкорлар билан бирга лифт тайёрловчи корхоналар ташкил этилди. Сирдарё туманида пиллани қайта ишлайдиган “Агроглобал”, дори-дармонлар қадоқлаш учун шиша идишлар тайёрлайдиган “Сирдарё универсал ойна” ва бошқа бир қатор лойиҳалар амалга оширилди.

Ҳар бир ҳудуднинг ички имкониятлари, тараққиётини белгилайдиган омиллари бўлади. Экспорт салоҳияти ана шулардан биридир. Бунинг учун замонавий технологияларга асосланган саноатни ҳар томонлама ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратиш талаб этилади. Президентимизнинг жорий йил 13 апрелда вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқларига биноан, 2018-2019 йилларда ҳудудда умумий қиймати 6,4 триллион сўмлик 302 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши белгиланган. Бу эса импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тури ҳамда



ҳажмини ошириши баробарида, 15 мингта иш ўрни яратилишини таъминлайди.

Тўғридан-тўғри хорижий сармоялар киритиш борасидаги режалар ҳам салмоқли. Давлатимиз раҳбарининг 2018 йил 19 июлдаги “2018-2019 йилларда инвестициявий ва инфратузилмавий лойиҳаларни амалга оширишни жадаллаштиришга оид қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги қарори ижроси доирасида 29 та лойиҳа учун 749 миллион АҚШ долларилик маблағлар жалб қилиниши белгиланган бўлса, шундан 701 миллион доллари тўғридан-тўғри чет эл инвестицияларидир. Ҳозир бу йўналишда 421 миллион АҚШ долларилик 4 та истиқболли лойиҳа ишлаб чиқилди. Улардан биттаси, яъни Жанубий Кореянинг “NCG Engineering” компанияси томонидан ташкил этиладиган, ўзида 100 та корхонани жамлайдиган саноат мажмуини қуриш ишлари бошлаб юборилди. Боёвут туманида бунёд этилаётган мазкур ишлаб чиқариш ҳудудида 10 мингта иш ўрни яратилиши кутилмоқда.

### Чўл бағридаги денгиз

“Сардоба”. Шу номдаги туманнинг Гумбаз қишлоғидаги ушбу обида аждодларимизнинг қадимданоқ ирригация борасида бой илм ва тажрибага эга бўлганини англатади. Бугун чўл ўртасидаги нажот қалъаси ҳисобланган бу иншоот неча-неча карвонларнинг мушкулини осон қилганини фақат тасаввур этишимиз мумкин, холос. Ушбу мозий иншоотига унча узоқ бўлмаган жойда ястанган ва ҳақли равишда унинг номини олган 6,5 минг гектарлик сув омборининг маҳобати эса асло хаёлот эмас. Шу боис одамлар ҳавзани “Чўл бағридаги денгиз” деб эътироф этишмоқда.

— Мазкур сув омборининг фермерлар ва шу ерда яшовчи аҳоли ҳаётидаги ўрни ғоят беқиёс, — дейди Сардоба туманидаги “Барака” фермер хўжалиги раҳбари, “Меҳнат шуҳрати” ордени соҳиби Абдумавлон Маҳмудов. — Дейлик, ғўза парваришининг авж палласида сув тақчиллиги бизни қийин аҳволга солиб қўяр эди. Зовурларни дамбалар билан тўсиб, унинг сувини насослар орқали тортиб олишга мажбур бўлардик. Оқова сувдан ноиложлик туфайли, яъни экинни қовжиратиб қўймаслик учун фойдаланар эдик. Унинг нафидан кўра зиёни кўп, аслида.

Энди бу қийинчиликлар ортда қолди. Ғалладан бўшаган майдонларда бемалол такрорий экин етиштиряпмиз. Натижада минглаб оилалар қўшимча даромад олиб, бозорларимиз қишлоқ хўжалигининг турли маҳсулотлари билан тўляпти.

Дарҳақиқат, сув бор жойда барака бўлади. Шу боис бугун сув омбори ҳавзаси атрофидаги минг-минглаб хонадонларга файзу барака кириб келди. Қолаверса, айни чоғда иншоот негизида кичик гидроэлектростанция қуришга ҳозирлик кўрилмоқда. Ҳали бу ҳаммаси эмас. Гап шундаки, Чинобод қишлоғидан сув омборигача ва ундан нарида мевазор боғлар, сабзавот ҳамда полиз майдонлари барпо этилди. “Сардоба темир йўл агросаноат мажмуаси” унитар корхонаси томонидан балиқчилик ва чорвачилик соҳаси йўлга қўйилиб, мева-сабзавотни қайта ишлаш, сут маҳсулотлари ҳамда омихта ем тайёрлаш корхоналари ташкил қилинмоқда. Бир вақтлар атиги учтагина уй борлиги туфайли Учтом номини олган қишлоқда эса темир йўлчилар учун намунали лойиҳадаги турар-жойлар қурилди. Сув омборининг Ховос тумани чекка қишлоғи — Бинокор атрофидаги соҳилларида дам олиш зонаси ташкил этилади.

**Президентимизнинг жорий йил 13 апрелда вилоятга ташрифи чоғида берган топшириқларига биноан, 2018-2019 йилларда ҳудудда умумий қиймати 6,4 триллион сўмлик 302 та лойиҳа рўёбга чиқарилиши белгиланган. Бу эса импорт ўрнини босувчи ва экспортбоп маҳсулотлар тури ҳамда ҳажмини ошириши баробарида, 15 мингта иш ўрни яратилишини таъминлайди.**

### Фойдадан ҳамма баҳраманд

Кечагина “кластер” деган тушунча кўпчилик учун яхши таниш эмас эди. Бугун эса иқтисодиётчи мутахассис тугул оддий ишчи ҳам бу янги атаманинг мазмун-моҳиятини билади. Ва қисқа қилиб “Етиштирадиган ҳосилимиздан келадиган фойданинг ҳаммаси ўзимизда қолади”, дейди. Дарвоқе, мамлакатимиздаги ана шундай қалдирғоч тузилмалардан бири, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2017 йил 15 сентябрдаги “Сирдарё вилоятида замонавий пахтачилик-тўқимачилик кластерини барпо этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги қарори билан ташкил этилган масъулияти чекланган жамият шаклидаги “Бек кластер” қўшма корхонаси фаолияти ана шу мақсадга қаратилган. У пахта етиштиришу уни тайёр маҳсулот ҳолига келтиришгача бўлган жараённи яхлит занжирга бирлаштириб, одамларга кўпроқ иш ўринлари яратиш ва албатта, моддий манфаатдорлик ҳамда иқтисодий фойда даражасини аввалги тизимдан бир неча баравар ошириш йўлида фаолият олиб бормоқда.

Эътиборли томони, соҳада агротехник ва техник янгиликлар ортди. Ҳадемай пахта тозалаш заводи фойдаланишга топширилади. Туркиянинг “Sumer” компаниясига тегишли, бир кеча-кундузда 330 тонна хом ашёни тола ва чигитга ажратиш қувватига эга мазкур технологиянинг ҳам турдошларидан афзалликлари талайгина. Масалан, у кам энергия сарфлаб кўп самара беради. Энг муҳими, тола сифати юқори бўлади. Шу билан бирга, уруғлик учун ҳеч бир зарар етмаган чигит олиш имконияти кафолатланади.

Вилоят қишлоқ хўжалигида жорий қилинган янгиликлар шуларгина эмас. Президентимиз ташаббуси билан пахта етиштириш учун номақбул бўлган майдонларда боғ, сабзавот, чорва озуқаси ва бошқа экин турларининг жойлаштирилиши айни муддао бўлди. Қолаверса, ҳудудда балиқчилик, асаларичилик, қуёнчилик, пиллачилик, полизчилик каби соҳалар ривожланишнинг ойдин йўлига чиқди. Буни биргина машҳур Мирзачўл қовунининг Европа мамлакатларига экспорт қилинаётганлиги билан изоҳлаш мумкин.

Ўз навбатида, иқтисодиётдаги бундай ютуқлар ҳудуд ободлиги, аҳоли турмуш фаровонлигининг юксалиши, уларнинг ҳаётдан розилигида ҳам ўз ифодасини топмоқда.

### Ораста юртдан барака аримайди

Гулистон шаҳридаги “Билимдонлар маскани”нинг бунёд этилганига ҳали ҳеч қанча вақт бўлмади. Ушбу шукуҳли гўшада бир куни шеърият кечаси, бошқа куни эса яна бирор тантанали тадбир ўтказилиши одат тусига кирган. Тобора янгиланаётган Гулистоннинг “ташриф қоғози”га айланган, меъморий ечимида миллийлик устувор мазкур масканда ўзбекона айвонлар, улуғ бобомиз Алишер Навоийнинг салобатли ҳайкали атрофида гуллар, райҳону жамбиллар бўй таратиб турибди. Президентимиз жорий йилги ташрифи чоғида ижодкорлар билан шу ерда суҳбат қилгани эса сирдарёликлар қалбида ўзгача фахр ҳиссини уйғотади.



Эндиликда бу кўркам иншоот рўпарасидаги театр ва унинг майдони ҳам ана шундай хушманзара касб этган. Тўра Сулаймон номидаги амфитеатр, “Юрт байроғи” , “Хотира майдони” хиёбонлари “Билимдонлар маскани” билан узвий ҳолатда кенг-мўл, сўлим сайилгоҳ ва дам олиш ҳудудига айланди. Шаҳардаги бошқа улкан бунёдкорлик ишлари эса қисқа муддатда вилоят маркази қиёфасини буткул ўзгартириб юборди.

Қувонарлиси, бундай ободлик ва бунёдкорлик ишлари бутун вилоят бўйлаб жадал давом эттирилмоқда. Айниқса, “Обод қишлоқ” ва “Обод маҳалла” дастурлари неча йиллардан буён аҳолини қийнаб келаётган ўнлаб, юзлаб муаммоларнинг энг мақбул ечими бўлди, дейиш мумкин. Жорий йилда 16 та қишлоқ ҳамда 6 та маҳаллада ана шу дастурлар асосида ободонлаштириш, таъмирлаш ва қурилиш ишлари бажарилиши белгиланган. “Обод қишлоқ” дастури ижроси дастлаб Ховос туманидаги Ховособод қишлоғида ниҳоясига етказилган бўлса, бундан қарийб икки ой муқаддам Гулистон туманидаги Озодлик аҳоли пунктининг янги қиёфаси бу ерликларни хурсанд қилди.

Албатта, ҳудудда ҳали ўз ечимини кутаётган муаммолар ҳам кам эмас. Хусусан, одамларнинг турмуш шароитини яхшилаш, жойлардаги инфратузилма иншоотларини замон талаблари даражасига етказиш янада фидокорона меҳнатни талаб этади. Бунинг учун эса аҳоли орасига чуқурроқ кириб бориш — давр талаби. Муҳими, бу борада бошланган ислоҳотлар бардавом. Сирдарё аҳли эса ана шу янгиланишларга камарбаста.

**Ойбек РАҲИМОВ,**
**Аҳмадали ШЕРНАЗАРОВ,**
**«Халқ сўзи» мухбирлари.**

Муҳаммадкарим АБДУМЎМИНОВ ва Ҳасан ПАЙДОЕВ олган суратлар.

ЭЪЛОНЛАР

*Ўзбекистон Республикаси*
*Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги*

**ТОШКЕНТ ТЎҚИМАЧИЛИК ВА ЕНГИЛ САНОАТ ИНСТИТУТИ**

**қуйидаги вакант профессор-ўқитувчи лавозимларига танлов эълон қилади.**

| | | |
|---|---|---|
| 1. | Машинашунослик ва сервис хизмати кафедраси | катта ўқитувчи, ассистент |
| 2. | Табиий толаларни дастлабки ишлаш технологияси | ассистент, доцент |
| 3. | Технологик машиналар ва жиҳозлар | доцент, ассистент |
| 4. | Меҳнат муҳофазаси ва экология | доцент |
| 5. | Йигириш технологияси | ассистент |
| 6. | Ипак технологияси | ассистент |
| 7. | Тўқимачилик материалшунослиги | катта ўқитувчи, ассистент |
| 8. | Кимёвий технология | ассистент |
| 9. | Физика ва электротехника | ассистент |
| 10. | Костюм дизайни | катта ўқитувчи, ассистент |
| 11. | Тикув буюмларини конструкциялаш ва технологияси | катта ўқитувчи, ассистент |
| 12. | Чарм буюмларини конструкциялаш ва технологияси | профессор, доцент |
| 13. | Педагогика ва жисмоний маданият | катта ўқитувчи, ассистент |
| 14. | Кимё | кафедра мудири, профессор |
| 15. | Тиллар | катта ўқитувчи, ассистент |
| 16. | Матбаа ва қадоқлаш жараёнлари технологияси | ассистент |
| 17. | Технологик жараёнлар ва ишлаб чиқаришни автоматлаштириш ва бошқариш | кафедра мудири, катта ўқитувчи |
| 18. | Тўқима матолари технологияси | катта ўқитувчи, ассистент |
| 19. | Олий математика ва информатика | ассистент |

Танловда иштирок этишни хоҳловчилар ректор номига ариза, кадрларни ҳисобга олиш бўйича шахсий варақа, дипломлар ва аттестатлар нусхалари, илмий ишлар ҳамда ихтиролар рўйхати, малака оширганлик тўғрисида ҳужжатлар нусхаларини топшириши лозим.

Аризалар эълон чиққан кундан бошлаб бир ой муддатда қабул қилинади.

Эслатма: мазкур институтда ишловчи шахслар ўтган муддат бўйича кафедрада ҳисобот берадилар, танловда иштирок этувчилар синов дарслари ўтказади.

**Манзил: Тошкент шаҳри, Яккасарой тумани, Шоҳжаҳон кўчаси, 5-уй, 1-бино, 210-хона. Тел.: 71-253-17-78.**

896Ј/457

**«YANGI ANGREN IES» АЖ**

**ISO 14001 «Экологик менежмент тизими» ва ISO 50001 «Энергетик менежмент тизими» халқаро стандартларини ишлаб чиқаришга жорий қилиш тажриба ва малакасига эга ҳамда иш якунида тегишли сертификат бериш ваколати бўлган корхоналар ўртасида конкурс танлови бошланганлигини эълон қилади.**

Тижорат таклифларини қуйидаги манзилга юборинг:
Тошкент вилояти, Нуробод шаҳарчаси, «Yangi Angren IES» АЖ.
Телефонлар:
коммутатор 71-236-65-25, 98-809-68-22 (ЧТБ бошлиғи 24-765), 93-615-52-44
Умирзаков Бекзод Бахтиярович.

9326/457

**Халқ сўзи**
**Народное слово**

**МУАССИСЛАР:**
**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Кенгаши, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Кенгаши ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси**

**Бош муҳаррир Ўткир РАҲМАТОВ**

2008 йил 15 январда Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1045. 73 063 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2. Баҳоси келишилган нархда.

Газетамиз ҳақидаги маълумотларни юклаб олиш учун QR-кодини телефонингиз орқали сканер қилинг.

**ТЕЛЕФОНЛАР:**
*Девонхона 71-233-52-55;*
*Котибият 71-233-10-28; Эълонлар 71-232-11-15.*

ISSN 2010-8788

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.

Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ҳамда оператор А. Исмоилов томонидан саҳифаланди.

Газетанинг полиграфик жиҳатдан сифатли чоп этилишига “Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси масъул. Босмахона телефони: 71-233-11-07.

**• МАНЗИЛИМИЗ: 100000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.**

**Навбатчи муҳаррир — З. Худойшукуров.**
**Навбатчи — Б. Ғофуров.**
**Мусаҳҳиҳ — С. Исломов.**

**“Шарқ” нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: “Буюк Турон” кўчаси, 41. ЎзА якуни — 22.40 Топширилди — 23.30** 1 2 3 4 5 6